



ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИ – СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Анваров А.

Ўзбекистон Миллий Университети
тадқиқотчиси

Телефон +99890 940 33 339

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожланиши ва ёшларнинг ижтимоий – инновацион фаоллиги масалалари ҳақида сўз юритилади.

Мақолада Ўзбекистонда ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари, ҳар ҳил турдаги ёд булган гоёларга сиёсий иммунитетни тизмий шаклланиши масаллари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: Ижтимоий – инновация, гоёлар генератори, стартаплар, сиёсий маданият, плюрализм, демократия.

Аннотация: В данной статье говорится о развитии политической культуры молодежи и социально-инновационной активности молодежи в современном Узбекистане. В статье рассматриваются роль молодежи в обществе Узбекистана, вопросы повышения их политической активности и системного формирования политического иммунитета к различным идеям.

Ключевые слова: Социально - инновации, генератор идей, стартапы, политическая культура, плюрализм, демократия.

Annotation: The article is about the development of political culture and social-innovative activity of youth in modern Uzbekistan.

The article discusses the role of youth in the society of Uzbekistan, issues of increasing their political activity and the systemic formation of political immunity to various ideas.

Key words: social innovation, idea generator, start-up, political culture, pluralism, democracy.

Ўзбекистонда “ижтимоий-инновация” мустақил фалсафий тушунча (категория) сифатида илмий адабиётларда учрамайди. Фақат уларнинг ҳар бирига, хусусан, “инновация” ва “ижтимоий” тушунчаларига илмий таърифлар берилди. Бугунги кунга келиб, уларга нисбатан янги қарашлар, муносабатлар ва амалий ҳаракатларни юзага келтириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Эндиликда “инновация”ни барча соҳаларга татбиқ қилмасдан туриб ривожланиб бўлмаслиги аксиомага айланди. Инновация инсоният ва жамият тараққиётининг барча соҳаларида нафақат назария, шу билан бирга, амалиётга ҳам айланиб улгурди. Ана шундай соҳалар қаторида инсоннинг ижтимоий фаолияти ҳам





мустаҳкам ўрин олмоқда. Аммо, ҳали илмий истеъмолда уларнинг “ижтимоий-инновацион фаоллик” шаклидаги ўзаро уйғунлашган таърифи берилмаган.

Ижтимоий-инновацион фаоллик деганда нима тушунилади? У ниманинг таъсирида юзага келади? Илмий адабиётларда “фаоллик” тушунчасига куйидагича таъриф берилган¹: “*Фаоллик (араб. тез, шиддатли ҳаракат) – шахснинг ҳаётда маълум бир мақсад йўлидаги илғор ва интилувчан хатти-ҳаракатларини намоён этишини англатувчи тушунча. Жамиятнинг тараққиёти билан доимий муносабатини ушлаб турувчи, инсоннинг ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини маънавий фаолиятига мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият – унинг фаолиятидир*”. Келтирилган таърифга қўшилиш мумкин, лекин “илғор ва интилувчан хатти-ҳаракат”, деган ибора озгина мулоҳазали. Чунки, мақсадлар фақат илғор бўлмайди, балки тараққиётга зид ҳолда ҳам содир бўлиши мумкин.

Жамият ўзининг объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Шу билан бирга, бу қонуниятлар қанчалик объектив бўлмасин, уларни инсон манфаатларига йўналтириш ҳар доим долзарб бўлиб келган ва бундай кейин ҳам аҳамиятини йўқотмайди. Сабаби, инсон ҳам жамият билан бирга ривожланади, айти пайтда ўсиб борадиган эҳтиёжларга мувофиқ уни ривожлантиради. Эҳтиёжларнинг ошиб бориши ва уларни қондиришга бўлган зарурият инсонни фаоллашувга “мажбур” этади. Бу фаоллик жамиятнинг барча ижтимоий ҳаётига ўзининг таъсирини ўтказди. Шунинг учун ҳам инсонларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш ҳар доим мамлакатларни ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб келган. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек: “Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва

¹ Маънавият : асосий тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Фафур Фулом, 2009. -Б. 578.





бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани айна ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди”².

Ана шу таҳдидларга қарши курашиш мақсадида ёшларда ижтимоий-инновацион фаолликни оширишга эҳтиёж туғилади. Ижтимоий-инновацион фаоллик деганда, улар онги ва дунёқарашида бугун жамият ижтимоий тузилмаси тармоқларида кечаётган ўзгаришлар (ривожланиш ва инқирозлар)дан келиб чиққан ҳолда, уларни тараққиётга йўналтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда ягона куч сифатида бирлашиб ҳаракат қилиш зарурлигини шакллантириш назарда тутилади. Иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, мамлакат илм-фаннинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлилигини таъминлаш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилди³. Мазкур аорнинг 11-бандига асосан, 2020 йилнинг 1 апрелига қадар қуйидаги платформаларни ташкил этилди:

«Ғоялар генераторлари» — Ёшлар академиясининг асосий йўналишларига тегишли бўлган маълум бир муаммонинг ечимига қаратилган инновацион ғояга эга жамоалар платформаси;

«Стартаплар» — ўз ғояси ва ушбу ғояни амалга оширишга қаратилган стартап лойиҳалари ва уларни амалга ошириш бўйича аниқ режага эга жамоалар платформаси;

«Бизнес вакиллари» — фаолиятида илм-фан ва инновация ютуқларини қўллаган ва тегишли соҳада камида 1 йиллик тажрибага эга бўлган жамоалар платформаси;

²Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. – “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқи. – “Халқ сўзи”, 2017, 1 июль.

³ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги ПҚ-4433-сон “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.08.2019 й., 07/19/4433/3673-сон; 02.04.2021 й., 06/21/6198/0269-сон.





«Бўлажак академиклар» — юқоридаги платформаларда фаол иштирок этган, мамлакатнинг илм-фан ривожланишига катта ҳисса қўшаётган юқори илмий салоҳиятга эга олимлар платформи. Ёшлар академияси фаолияти доирасида мамлакатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия манбалари, робототехника ва мехатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саноат дизайни, 3D моделлаш ва бошқа истиқболли йўналишларда амалий, инновацион ва стартап лойиҳаларни амалга оширади. Жамият модернизациялашуви ва инновация жараёнларида барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Айниқса, тузилма тармоқлари янгилари билан бойийди, кечаётган ўзгаришлар талабига жавоб бермаганлари эса ўзининг амалий аҳамиятини йўқотиб боради. Ана шундай мураккаб жараёнда жамият ижтимоий тузилмасида ёшларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигини ошириш унинг барқарор ривожланиши учун амалий аҳамиятга эга бўлади. Ёшлар жамият ижтимоий тузилмасида унинг бугуни ва истиқболлини таъминлашда ўзларининг реал куч сифатидаги имкониятлари билан алоҳида ўринни эгаллайди. Ана шу имкониятларнинг самарали ишлаши учун ёшлар онги, дунёқараши жамиятда кечаётган ўзгаришлар мазмун-моҳияти, йўналишлари, мақсадларини ўзида мужассамлаштирган ғоявий-маънавий асослари билан бойитиб бориш зарурияти келиб чиқади. Бу борада маънавий бой бўлиш ва маънавий қашшоқлашув жараёнига объектив баҳо бериш муҳим ўринни эгаллайди. Маънавияти қашшоқлашган жамиятда таракқиёт бўлмайдди, инсонларнинг ўзлигидан бегоналашуви, уларнинг ғоявий-ахлоқий емирилиши юзага келади. Маънавий бой ёшларда бунёдкорлик, ватанпарварлик ва одамийлик туйғулари мустаҳкамланиб боради. Маънавиятнинг ана шу имкониятларини назарда тутиб, мамлакатимиз биринчи президенти Ислам Каримов унга қуйидаги таърифни берган эди: “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган, беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”⁴.

Маънавий қашшоқлашув инсонларда ахлоқсизлик, очкўзлик, ҳамма нарсани пул, бойлик орқали тушуниш ва унга эришиш йўлида ҳеч нарсадан

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2009. -Б.19.





тоймайдиган, ҳатто ор-номусидан, Ватан, миллат ва халқ манфаатлари каби умуминсоний қадриятлардан ҳам воз кечишдек қарашларни шакллантиради. Уларнинг юзага келиши олдини олиш учун жамиятнинг нафақат иқтисодий ёки ижтимоий-сиёсий, балки маънавий заминларини ҳам ривожлантириш зарур бўлади. Бунинг учун ёшларнинг ғоявий-маънавий салоҳиятини ошириш самара беради. Зеро, маънан қашшоқ инсон мамлакат олдида турган юксак вазифаларни амалга ошира олмайди. Маънавий қашшоқ одамлар билан иқтисодий тараққиётга эришиш оғир кечади ва улар мамлакатни инқирозга олиб келишда хатарли кучга айланади.

Глобаллашув жараёнида ёшлар онги, дунёқараши, тафаккури ва ахлоқларига “оммавий маданият”нинг ўтказган таъсири оқибатида жамиятда ота-она, оила каби қадриятларнинг сусайишига, ижтимоий тузилмасидан бегоналашувига ва салбий маънодаги индивидуаллашувига олиб келиши кузатилмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этмасдан туриб, жамият ижтимоий тузилмасининг барқарор ривожланишига эришиш мумкин эмас. Бунинг устига, бугун жаҳоннинг шиддатли ўзгариши шароитида ёшларни кўзланаётган мақсадларга йўналтириш ҳамда фаоллаштириш ўта мураккаб кечмоқда. Қолаверса, собиқ шўро ҳукмронлиги давридагига ўхшаган “юқоридан” буйруқ кўрсатмалар кутиш анъанаси сақланиб қолмоқда. Бундай вазиятда ёшларни мустақил фикрлаш, азалдан шаклланган қадриятларни ўзлаштириш, ғоявий-маънавий салоҳиятини бойитиб бориш, жамиятда кечаётган ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши қийинроқ кечади. Шунингдек, ёшлар ижтимоий гуруҳларидаги табақалашувнинг содир бўлаётганлиги, имкониятлар чекланган-лиги, моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ошиб бораётганлиги ҳам салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бизнингча, ижтимоий-инновацион тафаккур руҳиятига эга ёшлар бўлган авлодини шакллантиришга эҳтиёж йилдан йилга кучаяди. Ушбу ишларни ҳал этиш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади: ёшларнинг умумпрофессионал салоҳиятини бозор талабларига мослаштириш ва уни изчиллик билан такомиллаштириш; билим савияси ва сиёсий онгини юксалтириш, ёшларнинг ўз соҳалари бўйича ихтисослашувига барча шарт-шароитларни яратиш ва улар руҳиятида ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга ижодкорликни шакллантириш; ўз фаровонлиги ва юрт манфаатлари учун масъулиятини англаш туйғусини





ўстириш; моддий бойликларни яратишга нисбатан ижтимоий-инновацион фаолликни кучайтириш, ушбу масала давлат, жамиятнинг тарбиявий ва ташкилий фаолиятидаги долзарб вазифага айланишига эришиш.

Сир эмаски, глобллашув шароитида инсон онги, дунёқараши ва менталитетида оммавий тарзда шаклланиб келаётган индивидуализм, “ўзингни бил ўзгани қўй”, “моддий бойлик ҳаётнинг гултожи, уни қандай йўл билан бўлса ҳам қўлга киритиш учун ҳар нарсага тайёр бўлгин” каби қарашларнинг амалиётга кўчиши жуда хавфли тус олмоқда. Буларнинг олдини олиш учун эзгулик ва тараққиётга ундовчи ғоявий-маънавий салоҳиятли инсон бўлишни ишончли механизм сифатида қўллаш керак.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш борасида мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шиддат билан ўзгараётган замонда ёшлар ҳисобидан замонавий, ижтимоий-инновацион тафаккурга эга бўлган зиёлиларни шакллантиришга эҳтиёж ошиб бормоқда. Уларни мавжуд, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ҳал қилиш мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти учун амалий аҳамиятга эгадир. Дунёда мамлакат тараққиёти ер ости заҳиралари билан эмас, балки юксак даражадаги интеллектуал салоҳиятини юзага келтириш ва улардан самарали фойдалана билиш ҳисобига содир бўлмоқда. Хитой, Япония, Сингапур, Жанубий Корея, Малайзиянинг бой тажрибаси Ўзбекистон учун ўрнак бўларли, десак арзийди. Бундай оқилона йўлдан юришда ижтимоий-инновацион тафаккурга эга ёшлар ҳисобига жамиятимиз ижтимоий гуруҳларининг сардори бўлган зиёлилар гуруҳини тезроқ шакллантириш вазифасини ечиш зарур бўлади. Шу ўринда, бир муҳим масалани таъкидлашни зарур, деб ҳисоблаймиз. Аввало, биринчи навбатда, сиёсий маданиятнинг икки асосий турини аниқлаш, хусусиятларини фарқлаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади. *Сиёсий маданиятнинг тоталитар тури* жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг принципиал бир хиллик бўлишига асосланади ҳамда ҳар қандай турли-туманлик ранг-барангликни йўқотишга мойил ғояларга таянади. Собиқ иттифокдаги маданиятнинг бу тури турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос мақсад ва манфаатларини очик намоён қилишга йўл қўймас, шу билан бирга, уларнинг сиёсий ҳаётдаги танлаш имкониятларини чегаралар, ҳар қандай муқобилликни инкор қилар, битта мулкчилик тури, битта партия, бир ўринга битта номзод каби





чеклашларни олдиндан белгилаб берарди. Бу ҳолат, ўз навбатида, тотал турғунликни, қолаверса емирилишни ҳам келтириб чиқарди. Тоталитаризм тузумининг илк қурбонлари табиий равишда фуқаролик жамияти унсурлари ва унинг тузилмалари ҳисобланади.

“*Сиёсий маданиятнинг плюралистик тури* қуйидаги муҳим шарт-шароитлар яратилгандагина пайдо бўлиши, ривожланиши, фаолият кўрсатиши, шунингдек, етакчилик вазифасини бажариши мумкин, –деб ёзади профессор М. Қирғизбоев. –Иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт плюралиزمи: мулкчиликнинг турли шакллари, энг аввало хусусий мулкчилик пайдо бўлиши, хўжалик юритиш турли усулларининг амал қилиши, шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг мустақил субъектлари каби бошқа омиллар билан бир қаторда, сиёсий плюрализм учун шарт-шароит ҳозирлайди. Ўзига хос ижтимоий манфаатларнинг бир-бирига уйғун келмаслиги, баъзан эса уларнинг тўқнашуви плюрализм учун қулай шароитлар яратади; жамият ўз ижтимоий тузилмаси ва турли манфаатлари бўйича қанчалик ранг-баранг бўлса, сиёсий плюрализм ва плюралистик сиёсий маданият режими шаклланиши учун ҳам шунчалик кўпроқ замин пайдо бўлади”⁵.

Бугунги кунда ёшларни ўз измидан юришга етакловчи миссионерлик ҳаракатининг кучайиб бориши ташқи хавф-хатарлардан бири ҳисобланади. Миссионерлар ёшларни ўз атрофига уюштиришда турли замонавий услуб ва имкониятлардан фойдаланишади. Жумладан, моддий жиҳатдан қийналган ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш, олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини тўлаш, компьютер курсида бепул ўқитиш, компьютер ёки мобил телефонлар билан таъминлаш каби тадбирларни амалга ошириш йўли билан айрим ёшларни ўз атрофига жамлаб, аждодлари, оиласи эътиқод қилиб келган динлардан бутунлай воз кечишга, ўз динларига ўтишларига кириш каби мақсадларини амалга оширмақдалар.

Ўзбекистон Республикасида миссионерлик фаолияти қонун билан таъқиқланган. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси, Жиноят кодексининг 145, 216, 216-1, 217, 244-3-моддалари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-2, 201, 202-1,

⁵ Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. Т.: Янги аср авлоди, 2013. -Б. 389.





240 va 241-моддаларига кўра республикада миссионерлик ҳаракати ман этилади. Шу боисдан ҳам глобал ўзгаришлар шаротида миссионерликка қарши дин соҳасида ахборот ва таълим соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Тарғибот гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида доимий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизларни диний таълим олишлари учун мақсадли ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги ишларнинг салмоқли қисми радикал ва салбий диний оқимлар мафкурасининг олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган бўлса-да, яна бир қисми бевосита ана шундай оқимлардан зарар кўрганларга қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

“Аслида эса миссионерлар ҳеч қачон, ҳеч кимга беғараз ёрдам кўрсатмаганликларини унутмаслик лозим”⁶. Ана шу нуқтаи назардан ҳам, миссионерларнинг хатти ҳаракатлари заминда қандай мақсад турганлигини аниқ тасаввур этиш, аجدодлар ва бугун ота, оналари ва яқинлари эътиқод қилиб келаётган диндан воз кечиб, ўзга динга эътиқод қилишга ўтишнинг қандай оқибатларга олиб келишини аниқ тушуниб етиш учун ҳам ёшларимизнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш заруриятини кучайтиради, деб ҳисоблаймиз. Бундай хатарли ҳаракат ўз олдида сиёсий мақсадларни қўйганлиги эса айрим сиёсий маданияти етарли даражада шаклланмаган ёшлар англаб етмаётганлик ҳолатлари учраб турибди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат, 16 та диний конфессия, 153 та миллий-маданий марказ, 38 та “Дўстлик” жамияти вакиллари тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида яшамоқда. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан жами 2 минг 318 диний ташкилотлар рўйхатдан ўтказилган. Шулардан 2 минг 127 таси исломий, 191 таси ноисломий диний ташкилотлар расмий фаолият кўрсатмоқда. Шундан 2099 таси масжид ва 184 тасини черковлар ташкил этади. Шу билан бирга, мамлакатимизда 8 таси яҳудийлик жамоаси, 6 та Баҳойлик, 1 та Кришначилик жамияти ва 1 та буддавийлик ибодатхонаси, шунингдек, Ўзбекистон конфессиялараро Библия жамияти ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар аҳоли таркибидан келиб чиқиб Ўзбекистонда бағрикенглик ва диний эркинлик тамойиллари нечоғлик устувор

⁶ Очилдиев А, Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳияти, мақсадлари, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. (юз саволга – юз жавоб). -Т.: Тошкент Ислом университети, 2009.-Б. 95.





аҳамият қаратилаётганидан дарак беради”⁷. Аммо, мамлакатимизда виждон эркинлиги ҳуқуқларини таъминлаш борасида яратилган имкониятлардан афсуски, айрим ноисломий диний ташкилотлар халқимизнинг менталитетига раҳна солиш орқали ўзларининг «мафтункор» диний даъватларини олиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Шу ўринда, айрим ёшларимизнинг сиёсий онги ва сиёсий маданияти бугунги тобора ўсиб бораётган эҳтиёжлардан орқада қолаётганлигини тан олиш лозим. Айниқса, қишлоқ жойларда таълим олаётган лицей ўқувчилари, коллеж ва баъзи олий юртларининг талабалари билан бўлган суҳбатларимиздан маълум бўладики, уларнинг айримлари “демократия” нима, у нима учун керак, мамлакатимиз сиёсий ҳокимияти тузилмаси ва сиёсий партиялари қандай номланади, “сиёсий онг”, “сиёсий маданият”нинг мазмун моҳияти нимада, деган саволларга аниқ жавоб бера олишмайди.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсий онги ва сиёсий маданиятининг даврдан орқада қолиши адолат, қарамлик, эркинлик, тенглик, ёвузлик, зўравонлик ва шунга ўхшаган тушунчаларнинг мазмуни моҳиятига қизиқиши сўнишига, ўзини ўстирган, таълим берган, бир фарзанди сифатида ор-номусини, ғурурини, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаган Ватаннинг ўз тақдиридаги ўрни ҳамда аҳамиятини тушунишга лоқайд бўлишига, сиёсатдан беҳабар ёшларнинг ғарб мамлакатларидаги сиёсий кучлар ёки оқимларнинг ўз измига солишларига олиб келиши мумкин. Демак, ёшларнинг сиёсий жараёнлардан хабардорлиги, маълум қарашлар ва тасаввурларга эга бўлиши, сиёсий сергак ва ҳушёрлиги масаласи муҳим масала бўлиб, мамлакатнинг барқарор тараққиёти учун асосий омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Ғафур Ғулом, 2009. -Б. 578.
2. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суюнчимиздир. – “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. – “Халқ сўзи”, 2017, 1 июль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги ПҚ-4433-сон “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

⁷ https://uza.uz/uz/posts/millatlar-va-konfessiyalararo-munosabatlar-mamlakat-barqarorligi-garovi_270305.





tўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,
31.08.2019 й., 07/19/4433/3673-сон; 02.04.2021 й., 06/21/6198/0269-сон.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2009. -Б.19.
5. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. Т.: Янги аср авлоди, 2013. -
Б. 389.
6. Очилдиев А, Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳияти, мақсадлари,
оқибатлар ва олдини олиш йўллари. (юз саволга – юз жавоб). -Т.: Тошкент
Ислом университети, 2009.-Б. 95.

